


# ЁРДАМЧИ РЕПРОДУКТИВ ТИББИЁТ ЭТИКАСИ

Ғарбий дунёвий ва исломий биоэтика  
түшүнчесини солиштириб ўрганилиши

Sharmin Islam



Ethics of  
Assisted  
**REPRODUCTIVE  
MEDICINE**

A Comparative Study of Western  
Secular and Islamic Bioethics

(ИИТ) «Китобларининг кискача сериялари»

# ЁРДАМЧИ РЕПРОДУКТИВ ТИБИЁТ ЭТИКАСИ

Ғарбий дунёвий ва исломий биоэтика  
тушунчасини солиштириб ўрганилиши

**Шармин Ислом**

Ванда Крауз томонидан кисқартирилган



Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

*Бишкек 2022*

УДК 297  
ББК 86. 38-4  
Ш-26

**Китоб ҳомийси:**

**Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)**

**Херндон Виржиния АҚШ**

**Билимлар интеграцияси институти (ICI)**

**Гуржистон Тбилиси**

Китоб муаллифи: Шармин Ислом

Китобни ўзбекчага таржима қилган: Эшбоева Р. – Б.: 2022

Китоб мухаррири: Мирзахидова Муяссар

Ушбу китоб муаллифлик ҳуқуқи билан химояланган. Нашриёттинг ёзма руҳсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва коидалардан ташқари, китобнинг бирон бир кисми нашр килиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриёттинг фикрларини акс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий web-сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аниқ ёки долзарблигига кафолат бермайди.

«Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

**Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан  
тасликланган № 56**

**Ёрдамчи репродуктив тиббиёт этикаси. Фарбий дунёвий ва исломий биоэтика  
тушунчасини солиштириб ўрганилиши (Uzbek)**

*Шармин Ислом*

*ИИТ «Китобларининг қисқача сериялари»*

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

1444 AH / 2022 CE

*Paperback ISBN 978-9967-08-965-5*

**Ethics of assisted Reproductive Medicine. A Comparative Study of Western Secular and  
Islamic Bioethics (Uzbek)**

*Sharmine Islam*

*IIIT «Books-In-Brief Series»*

The International Institute of Islamic Thought (ИИТ)

1437 AH / 2015 CE

*Paperback ISBN 978-1-56564-673-5*

ИИТ

P.O.Box 669

Herndon, VA 20172, USA

[www.iiit.org](http://www.iiit.org)

Барча ҳуқуқлар химояланган

ISBN 978-9967-08-965-5

УДК 297

ББК 86.38-4

## **Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари**

Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача се-  
риялари – бу китобнинг асл мазмуни тўғрисида ўқувчиларга тушунча  
бериш учун мўлжалланган қисқача шаклда ёзилган институтнинг муҳим  
нашридир. Қисқа, осон ўқиладиган, вақтни тежайдиган шаклда ишлаб  
чиқарилган ушбу бириктирилган тезислар катта нашрнинг диққат билан  
ёзилган кўринишини тақдим этади ва китобхонларни бу китобнинг асл  
нусхасини ўрганишга ундейди.

*Биоэтика сўнгги бир неча ўн йилликлар ичидаги асосий тадқиқот соҳаси-  
га айланди. Тиббиётдаги ютуқлар ҳаётни нима ташкил этиши ҳақидаги  
тушунчамизни тобора ўзгартириб борар экан, келиб чиқадиган кўплаб  
муаммоларни, хусусан, генетика ва қўпайиш соҳаларини ҳал қилиш учун  
тиббий ахлоқ қоидаларига эҳтиёж бор.*

Тиббиёт мутахассисларига қарши жиддий ахлоқий муаммолар мавжуд  
бўлиб, улар диний нуқтаи назарни талаб қиласди. Шунга қарамай дунёв-  
ий биоэтика инсон ҳаётини ташкил этадиган нарсани белгилайди ва ду-  
нёвий биоэтика сиёсатига таъсир қиласди, бу эса жиддий ижтимоий таъ-  
сир кўрсатиши мумкин шунинг учун ҳаммамизни ташвишга солмоқда.  
Аёлнинг синглиси учун суррогат вазифасини бажариши тўғрими? Фар-  
зандсиз эр-хотин донор томонидан сунъий уруғлантиришга мурожаат  
қилиши тўғрими? Ислом бунга қандай кўз қарашда?

### **Ёрдамчи репродуктив тиббиёт этикаси**

Ғарбий ва Исломий биоэтика моделларини таққослади, Исломий нуқтаи  
назардан (Куръон ва суннатдан олинган) дунёвий ва унинг турли хил  
фалсафий асослари устунлигидан ташқарига чиқадиган, Ваҳий ҳамда  
маънавий тушунишни устун қўядиган ҳаётий ва аниқ муқобилликни тақ-  
дим этади. Инсонни клонлаш, суррогация ва ЭКУ – бу энг қизғин баҳс-

ли мавзулардан бири бўлмоқда. Муаллиф буларни чукур, холис таҳлил қилиб, дунёвий Farb ва Islomий моделларнинг истиқболларига ҳамда ҳар бирининг долзарб масалаларни ўз тушунчаларини қандай шакллантиришни танлаганига эътибор қаратди. Ушбу масалаларни муҳокама қилишда, муаллиф чалкаш фикрлар доирасидан чиқиш йўлини белгилайди, тамойилларга риоя қилган ҳолда «энг яхши» фикрни танлаш муаммо тутдирмоқда.

---

**Шармин Ислом асарининг қискартирилган нашри**

**ЁРДАМЧИ РЕПРОДУКТИВ ТИББИЁТ ЭТИКАСИ:**

**FARBИЙ ДУНЁВИЙ ВА ISLOMИЙ БИОЭТИКА ТУШУНЧАСИНИНГ  
ҚИЁСЛАБ ЎРГАНИЛИШИ**

ISBN hbk: 978-1-56564-560-8

ISBN pbk: 978-1-56564-561-5

2013

## **БИРИНЧИ БОБ**

### **Сұз боши**

Ушбу тадқиқотнинг умумий мақсади биоэтика масалаларида тақдим этилган Ислом ва Ғарбнинг дунёвий қараашларининг фалсафий асосларини ўрганиш ва мұхқомама қилишдір. Менинг мақсадым тиббий амалиёт билан шуғулланишда ахлоқий қадрияттарни ҳисобға олиш мұхимлигиди намойиш этишдір. Шунинг учун бу асар Ғарбнинг дунёвий биоэтикасини такқослаш йўли билан Исломий ҳуқуқий фалсафанинг кенг доираларини ўрганади.

Тадқиқот Ғарбнинг дунёвий ва Исломий қараашларининг фалсафий асосларини уларнинг эпистемологик ва аксиологик жиҳатларига алохидада мурожаат қилган ҳолда таклиф қилишга уринади, чунки муаммо эпистемологик ва аксиологик сабабларга кўра таҳлилий ўрганишга лойиқдир. Бироқ, биоэтика масалаларини ҳал қилиш учун нафақат ҳуқуқий жиҳатларни, балки билимга асосланган ёндашувга нисбатан инсониятнинг бутун назариясини ҳисобға олиш керак. Маънавийлик назариялари қўшимча равищда ишлаб чиқилган. Шундай қилиб, ҳуқуқий қоидалар ўрнатилишидан олдин биоэтика масалалари қўриб чиқилиши ва билимларни ривожлантериш билан боғлиқ инсоннинг асосий назарияси бўйича мунозара бошланиши керак.

Бундай қиёсий тадқиқотлар ўзига хос ёндашувдир, чунки бу очилишлар хақида фикрлаш ва унга яқынлашиш ҳамда ўзаро муносабатнинг янги усулини ўрганишга ёрдам беради. Ғарбнинг дунёвий биоэтикаси Исломий ёндашувдан умуман воқелик ва инсонни ташкил этадиган нарсаларга мутлақо оқилона ёндашиши ҳамда илохий мавжудотнинг ролини инкор этиши билан ажralиб туради. Дунёвий рационализмдан фарқли ўлароқ, Исломий биоэтика илохий ваҳийларга, илохий буйруққа асосланиди, бу баъзи эътиқод моддаларига, Худонинг маънавий ҳидоятига ва охиратга ишонишга асосланган.

Ушбу тадқиқот кейинчалик аралаш усулларни қўллайди. Шу билан бирга, маълум даражада Ислом ва Ғарб дунёвий нұқтаи назарининг асосий (моҳияти) қараашлари ёки биоэтика бўйича амалиётларини ўрганиш учун

феноменологик усулдан фойдаланади. Бунинг сабаби шундаки, феноменология предметларнинг моҳияти ёки ҳодисалар, улар ўзларини инсон онгида намоён этиши билан шуғулланади. Ушбу ёндашув ўрганилаётган маълумотларнинг объективлиги ёки ҳақиқати моҳиятини чуқурроқ англашга имкон беради деб умид қиласиз. Мантикий фикрлаш, сўнгра танқидий мулоҳаза юритиш фалсафанинг асосий воситасидир. Шу сабабли, асар ўз услуби сифатида танқидий рефлексия акс эттирилган аралаш услубни, иккинчиси эса онтология ва эпистемологияни ўз ичига олади.

Бу асарда бепуштлик муаммоси таҳлил қилинган. Бепуштлик ҳомиладорликдан сақланиш воситасидан фойдаланмасдан мунтазам жинсий алоқада бўлган ва бир йил давомида соғлом ҳомиладорликни кўтара олмаслик деб таърифланади.<sup>1</sup> Бироқ, баъзи жуфтлар ҳомиладор бўлмайдилар. Агар эркак маний хосил қилмаса ёки оз бўлса бу эркакнинг бепуштлигидан далолат беради. Агар у суст, ҳаракатсиз ёки меъёрга тўғри келмаган сперматозоидларни ишлаб чиқарадиган бўлса ҳам бепуштлик юзага келади. У уруғ суюқлигининг етарли бўлмаган ҳажмига эга бўлиши мумкин, ортиқча миқдордаги суюқлик сперматозоидларни ҳаддан ташқари суюлтиради ва импотенцияга олиб келиши мумкин, эякуляция вактидан олдин ёки умуман бўлмаслиги мумкин. Ҳатто эякуляция пешоб орқали тушиши ҳам мумкин.<sup>2</sup>

Аёлларнинг бепуштлиги тухумхужайра ишлаб чиқармайдиган овуляция туфайли пайдо бўлиши мумкин. Одатда, бу тухумдонлар гипофиз безидан етарли даражада гормонал стимуляция олмаслигидан бўлади. Бошқа сабаблар – тухумдонларнинг йўқлиги, гормонал касалликлар, ўスマлар ва ҳоказо. Тухумхужайра етилиши мумкин, аммо эндометриоз, юқумли касаллик ёки чандиқ туфайли тухумхужайра чиқа олмайди. Оз содир бўлган овуляция ҳам аёлларда бепуштликни келтириб чиқаради. Баъзи ҳолларда овуляция содир бўлади, аммо кейинчалик 14 кун ичida тухумдонлар ҳомиладорликни таъминловчи гормонлар ишлаб чиқара олмайди. Фаллоп найчаларининг нуқсони ҳам бепуштликнинг сабаби ҳисобланади. Аёлда бачадон бўлмаслиги ҳам мумкин. Туғма аномалликлар ёки миома, инфекция ва аборт натижасида ҳам имплантация юз бермаслиги мумкин.

Бепуштликни четлаб ўтишнинг кўплаб йўллари ишлаб чиқилган. Репродуктив ахлоқнинг энг мунозарали мавзуларидан бири бу ҳомила-дорликни енгиллаштириш учун янги технологиялар ва янги ижтимоий келишувлардан фойдаланиш. Гарчи инсоният тараққиёти ушбу янги-ликлардан кўп жиҳатдан фойда кўрса-да, уларнинг аксарияти бир катор аҳлоқий муаммоларни келтириб чиқаради. Биз қайси йўналишда экан-лигимизга амин бўлишимиз учун этика бўйича сўровнома ўтказишимиз керак. Биз бу ерда ўзаро баҳслашишни Фарбнинг дунёвий ва Исломий биоэтикаси билан чеклаб қўямиз, чунки бу янги ихтирольар одамларга яхшилик келтирадими ёки ёмонликми аниқ эмас. Биз иккита ёндашувни таққослаймиз ва текширишни тўртта муҳим ҳамда долзарб масалалар билан чеклаймиз: сунъий уруғлантириш (СУ), экстра корпорал уруғлантириш (ЭКУ), суррогат оналик ва клонлаш.

## **ИККИНЧИ БОБ** **Ғарбий дунёвий биоэтика**

Ушбу тадқикотда ишлатилган «Ғарбнинг дунёвий ахлоқий» атамаси ўн еттинчи асрдан бошлаб бир томонлама миқдорий шаклда ривожланган ахлоқий қадриятларга оид Ғарб фикрининг маълум бир турини англата-ди. Этика одамларга қарама-карши ахлоқий муаммоларни ҳал қилишда оқилона қарор топишига ёрдам беради.<sup>3</sup> Демак, биз этикани «ахлоқни фалсафий ўрганиш» сифатида тавсифлаймиз.<sup>4</sup> Ушбу ёндашувларнинг иккитаси этикани ахлоқий фикрга эга бўлмаган ҳолда тавсифлайди ва таҳлил қиласи, шунинг учун бу ёндашувлар меъёрий бўлмаган деб номланади. Қолган иккита ёндашув ахлоқий фикрлашни ўз ичига ола-ди ва шунинг учун норматив ҳисобланади. Норматив бўлмаган ёнда-шув остида биринчи навбатда тавсифловчи этика келади. Таърифлов-чи ахлоқнинг мақсади ахлоқ ҳақидаги эмпирик билимларни олишдир. *Мета-этика* ахлоқшуносликда марказий бўлган «тўғри», «мажбурият», «яхши», «фазилат» ва «жавобгарлик» каби атамаларнинг маъноларини таҳлил қиласи.

Умумий меъёрий ахлоқнинг вазифаси – бу «ахлоқий жиҳатдан тўғри ва нотўғри бўлган нарса нима?» деган саволга умумий жавоб берадиган

ахлоқий назарияни ўрнатишидир. Унда инсон билан боғлиқ тадқиқотлар, ўз жонига қасд қилиш, жиноятчилик ва жазо каби муайян ахлоқий муаммолар бўйича фикрларни асослаш учун меъёрий ахлоқий воситалар (назариялар ва тамойиллар) ишлатилади. Амалий ҳаракатларни чегара-лашга уриниш амалий ахлоқ деб аталади. Ишбилармонлик этикаси ёки муҳандислик этикаси сингари, биоэтика ҳам фанлараро ёндашувга эга ва амалий норматив ахлоқшуносликнинг ёки қўлланиладиган норматив ахлоқнинг бир бўлаги ҳисобланади.

## **Биоэтика ва унинг тамойиллари**

*Биоэтика* – бу юононча биос ва этика сўзларидан келиб чиқиб, *БИОС* сўзи ҳаёт ва этика сўзи ахлоқ (этика) маъносини англатувчи компози-цион атама. Шунинг учун уни ахлоқий қадриятлар ва тамойиллар асоси-да ўрганиб чиқадиган бўлсак, ҳаёт ҳақидаги фанларни ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги одамларнинг хулқ-атворини мунтазам равишда ўрга-ниш деб таърифлаш мумкин. *Биоэтика* кўплаб ижтимоий муаммоларни қамраб олади, масалан, соғлиқни сақлаш, иш саломатлиги, халқаро соғ-лиқни сақлаш ва аҳоли назорати ахлоқи билан боғлиқ. Бу ҳайвонот дунё-си ва ўсимлик ҳаётига таъсир қиласидиган муаммоларни, масалан, ҳайвон-лар устидан қилинаётган экспериментлар ҳамда рақобатдош экологик даъволар билан боғлиқ масалаларни қамраб олиш учун инсон ҳаёти ва соғлигидан четга чиқиши мумкин.<sup>5</sup>

Бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, биоэтик олим ахлоқий асосларни ахлоқий тамойиллар ва назариялар асосида шарҳлайди ҳамда таҳлил қиласиди.<sup>6</sup> Фанлараро изланиш сифатида у ҳаёт ҳақидаги фанлар билан чамбарчас боғлиқ, чунки у бевосита ҳаёт фанлари билан боғлиқ ахлоқий масалаларни ўрганади. Биоэтикада мунозараларга ёрдам берадиган учта умумий ахлоқий тамойил ишлаб чиқилди. Булар: муҳторият, ҳайрхоҳлик ва адолат.

Биоэтикада муҳторият (*автоном*) тушунчаси шахсий эркинликни англа-тади, бу ерда шахс ўз қарорларини эркин алдов, тазиқ ёки мажбурлаш-дан холи танлаш ва амалга ошириш имкониятига эга. Муҳторият қасддан қилинган ҳаракатларни ўз ичига олади ва шунинг учун ахлоқий қарор қабул қилиш билан шуғулланувчи шахс якуний қарорни қабул қилиши керак. *Автоном* тартибда қарорларни қабул қилишда ташки босим ёки

чеклов ҳеч қандай роль үйнамаслиги керак. Хайр-эхсон, одатда, раҳм-шафқат ва хайрия ишларига тааллукли бўлган ва бошқаларга фойда келтирадиган ҳар қандай ҳаракатларни кўрсатадиган тамойилдир. Фойда кўйидаги тўрт элементни ўз ичига олиши мумкин: 1) ёмонлик ёки зарар етказмаслик керак; 2) Ёмонлик ёки зарарни олдини олиш керак; 3) Ёмонликни ёки зарарни йўқ қилиш керак; 4) Яхшилик қилиш ёки уни тарғиб қилиш керак.<sup>7</sup> Бу ерда адолат ҳуқуқ ва ҳақиқат тушунчаларига ишора қиласди. Соғлиқни сақлашни бошқаришда кенг тарқалган сезгир муаммо бу чекланган манбаларни тақсимлаш учун курашдир.

### **Ғарбий дунёвий биоэтика ва дунёвийлик**

Ушбу бўлим а) дунёвийликни тарихий ва эпистемологик тузилишини акс эттириш учун қисқача кўриб чиқади ва б) Ғарб дунёвий биоэтикасида илдиз отган эпистемологик тушунча кенг маънода ёритилади. Дунёвий атама лотин *saeculum* (саекулум) сўзидан келиб чиқсан, вақт ва жойлашувнинг аниқ икки томонлама маъносини англатади. Вақт «ҳозирги», «дунё» ёки «дунёвий» («кўринмас ва илоҳий» дунёдан фарқли ўлароқ) туйғусини англатади. Дунёвий «бу ҳозирги аср» ёки «ҳозирги замон» деган маънони англатади ва охир-оқибат бу дунёдаги хусусан замонавий воқеаларни англатади.<sup>8</sup>

Дунёвийлик кўпинча насронийлик билан боғлиқ, чунки насронийлик Европанинг тарихий шароитида ўзига хос равишда ривожланган. Шундай килиб, дунёвийлик бир маънода Европанинг Ўрта аср черков бошқаруви ва амалиёти чангалидан кутулиши сифатида қабул қилинади. Бироқ, дунёвийлик амалий мақсадлар учун Худонинг инсон тафаккури ва ҳаётидан четда қолишини англатади.

Дунёвий биоэтикада диний эътиқод аҳамиятсиз ёки кераксиз нарсалардан четда қолган дейиш тўғри бўлади. *Биоэтика* – бу ўз даври ва тарихининг яратувчисидир. *Биоэтика* тарихида диний қарашлар четга сурилди ва одоб-ахлоқ мезонлари келишувдан фойдаланган ҳолда одоб-ахлоқнинг дунёвийлашиши марказига айланди. Замонавий америкалик ва британиялик аналитик файласуфлар бу йўналишда биринчилардан бўлгандар. Субъект сифатида бир хил меъёрий дунёвий биоэтика пайдо бўлди. Секин-аста, ушбу дастлабки фикр марказларида иштирок этган олимлар янги туғилган майдоннинг табиати, мавзуси ва услубини эскизлар билан

тасвирилашни бошладилар. Ғарб биоэтикаси энди дунёвий бўлиб қолди.

Ғарбнинг дунёвий биоэтикаси ўзи нима? Биоэтикани танани мавхум назариядан мустақил равишда моддий қонунларга мувофиқ ишлайдиган кимёвий-механик машина деб биладиган тиббиёт фанига асослаш керак. Ушбу моделга кўра, инсоният ҳақида билишимиз керак бўлган ҳамма нарсани тана қисмларини ўрганиш орқали олишимиз мумкин. Демак, инсон организмининг нозик томонлари билан боғлиқ бўлган ҳар қандай нарса, масалан, онг ва рух, унутилиб, қораланиб ёки шунчаки диний нутқ деб тушунилади. *Биоэтика*, бу алоҳида-алоҳида тартибда, эмпирик топилмалардан ташқари бирон бир билим манбаига мурожаат қилмасдан, бошқача қилиб айтганда илохий ёки гайритабиий Олий мавжудот кўрсатмаларисиз инсоният ўз-ўзини ривожлантиришга қодир деган фикрни билдиради.

Биотиббиётнинг ниҳоятда илгарилаши билан 21-аср энг мунозарали биомедикал ахлоқий муаммоларга дуч келмоқда, уларнинг марказий ташвиши ҳаёт масаласи ва аниқроғи одамларни клонлаш, инсон геномини лойиҳаси ҳамда илдиз ҳужайраларини тадқик қилишдир. Диний оппозиция аниқ овоз сифатида пайдо бўлди. Бу масала долзарбди, лекин уни фақат шифокорларнинг қарорига топшириб бўлмайди, чунки фан «мавжуд» нарсалар билан ахлоқ эса «бурч» билан боғлиқ ва бу ахлоқий мунозараага айланди. *Биоэтика* жадал ривожланаётган жарликни тўлдириши, ахлоқ қоидаларини тузатиши, уларнинг тамойиллари ва назарияларини қайта кўриб чиқиши ҳамда илмий жамоатчилик олдида одатий фалсафий, мунозаралардан қочиш ўрнига муаммоларни ҳал қилиши керак.

## **УЧИНЧИ БОБ Исломий биоэтика**

Исломий биоэтиканинг асосан бешта таркибий қисми мавжуд. Исломни таърифлаш, Ислом ҳаётнинг барча жабҳаларида Аллоҳнинг иродасига бўйсуниши аслида бу ҳаётнинг тўлиқ услубидир. Ислом дини ҳар иккала инсон ҳаётини ва умуман жамиятни Аллоҳнинг подшоҳлиги ер юзида барпо этилиши, дунёни тинчлик, мамнунлик ҳамда фаровонлик билан

тўлдиришини таъминлаш йўлида шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.<sup>9</sup> Қуръон, Суннат (Пайғамбар Муҳаммаднинг амалиёти, С.А.В.),<sup>\*</sup> *ulatā* (улама) (ижмоъ) нинг келишуви ва ўхшашлик (*қиёс*). Ҳукуқшуносликнинг асоси Қуръон бўлиб, у инсон ҳаётининг барча масалалари бўйича асосий қўлланма ҳисобланади.

Қуръонда мусулмон дуч келиши мумкин бўлган ҳар қандай вазият аник айтилмаган. Суннат ҳидоятнинг иккинчи даражали ёки тушунтирувчи манбаидир. Мусулмонлар илмли ислом ҳукуқшуносларидан (улама) келишув (ижмоъ) орқали йўл-йўриқ излайдилар. Ислом ҳукуқшунослари ҳам ўхшашликларни (*қиёс*) қўлладилар. Нихоят, олимлар мусулмон жамоалари олдида турган иккиланишларни ҳал қилиш учун ижтиходга (мустақил мулоҳаза) мурожаат қилишлари мумкин. Техник жиҳатдан бу атама малакали ҳукуқшунос (*факих/мужтаҳид*) томонидан қонун чиқарувчининг Ислом қонунларининг матн манбаларида кўзда тутилган маънога эришиш ва уни инсон ҳаётидаги мавзуларга татбиқ этиш учун қилинган саъй-ҳаракатларни англатади. Шундай қилиб, замонавий тиббиёт дуч келаётган реал ҳаётий, замонавий муаммоларни ва ушбу масалаларнинг ахлоқий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, Исломий биоэтика уларни Ислом ҳукуқшунослигининг ушбу бешта асосий таркибий қисмидан келиб чиқсан фалсафий ёндашув асосида ҳал қилишга интилмоқда.

### **Ислом Ҳукуқшунослиги замонавий тиббиёт шартида**

Эволюцион жараёнда ислом тиббиёти ўз тиббий қонунларини қўйидаги манбалардан олди: (а) икки ўтказиб берилган, ўхшашлик *masadir naqliyasi* (масадир нақлияси), *қиёс* ва иккиласмчи келишув, *ижмоъ* ва (б) мантиқий нарса, *taṣādir ‘aqlīyyah* (масадир ақлийяҳ), бу *istihsān, istiṣḥāb* (истиҳсан, истисҳаб) ва бошқалар.<sup>10</sup> Биз таркибий қисмларни қисқача муҳокама қиласиз.

*Istihsān* (Истиҳсан) сўзма-сўз маъқул нарсани қабул қилишликни англатади. Ўзининг ҳукуқий шаклида *истиҳсан* – бу қонунни том маънода қўллаш натижасида юзага келадиган ҳар қандай қатъйлик ва адолатсизликка йўл қўймаслик учун шахсий фикрни амалга ошириш усули.<sup>11</sup>

\*(С.А.В.) – соллаллоҳу алайҳи васаллам. «Аллоҳнинг саломи ва саловати бўлсин». Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг номи зикр қилинганда айтилади.

Ҳошим Камолий Пайғамбаримиз саҳобалари ва издошлари (*Tābi’ūn Taъbīyūn*) шунчаки сўзма-сўз ёзувчилар эмас, аксарият ҳолларда ўзларининг хукмларини шариатнинг руҳи ва мақсадини тушунишга асосланган инсонлар эди. Камолий замонавий мисол келтиради: оғзаки гувоҳлик илгари Ислом қонунларида стандарт далил шакли бўлган. Бугунги кунда баъзи ҳолларда суратга олиш, овозли ёзувлар (видео, аудио) ва лаборатория таҳлили кўплаб ҳолларда оғзаки кўрсатувларни алмаштиришга қодир бўлган ишончли далил воситасига айланди. Бу ерда *истиҳсаннинг аниқ усули қўлланилади*.<sup>12</sup>

*Истишаб* (*istiṣḥāb*) сўзма-сўз сўзлашиш ёки дўстлик маъносини англатади. Усул ал-Фиқҳ, *истишаб* омилларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳақидаги тахминни билдиради. Шариатнинг бошқа омиллари бўлмаган тақдирда фойдаланиш мумкин. *Истишаб*, акси исботланмагунча, далилнинг давом этишини (масалан, никоҳ ёки эгалик хуқуқининг бошқа шахсга ўтиши) тахмин қиласи. *Истишаб* нинг тўрт тури мавжуд:

1. *istiṣḥāb al-‘adam al-aṣlī* (*истишаб ал-ъадам ал-асл*) яъни қадимий бўлмаган омил қоидаси мавжуд (тан олинмайди) эмас деб тахмин қилинади.
2. *istiṣḥāb al-wujūd al- aṣlī* (*истишаб ал-вужуд ал-асл*) бу қонун ёки сабаб билан кўрсатилган нарсанинг мавжудлиги табиий деб қабул қилинганлигини англатади. Масалан, эр никоҳ мавжуд бўлганлиги сабабли «*маҳр*» тўлаши шарт.
3. *istiṣḥāb al-ḥukm* (*истишаб ал-хукм*) бу қонуннинг умумий қоидалари ва тамоилларининг давомийлигини назарда тутади. Масалан, қонунда қарор (таъқиқланган ёки рухсат берувчи) бўлганида, у давом этиши тахмин қилинади.
4. *istiṣḥāb al-wasf* (*истишаб ал-васф*) бу аксинча содир бўлгунга қадар сифатнинг давомийлигини тахмин қилишни англатади (масалан, тоза сув бу тоза сув сифатида кўриб чиқилади).<sup>13</sup>

Урф том маънода одат деган маънони билдиради. Шариатда «*ҳалол*» (қонуний / жоиз) ва «*ҳаром*» (таъқиқланган) тушунчаларини қўлланиш қоидаларни белгилашда одатий ҳолдир. Урф асосан маҳаллий ёки миллий амалиёт бўлиб, Ислом қонунларини талқин қилиш ва амалга оши-

ришда фойдали роль ўйнаши мумкин. *Маслаҳаҳ мурсалаҳ* чекланмаган жамоат манфаатларига ишора қиласы. *Маслаҳаҳ* том маңнода фойда ёки манфаатни тугатиши дегани. *Маслаҳаҳ мурсалаҳ* фойда олиш ёки заарни бошқариш учун фойдаланиш, Шариат мақсадлари (*мақасид*) билан уйғун ва ўзгарувчан дунёда хукуқшуносларга янги вазиятларга дуч келишга ёрдам беришdir.

Бундан ташқари, сахобаларнинг фатволари йўл-йўриқ манбаи бўлиб, дикқат билан кўриб чиқишга лойикдир (аниқ *ижмоъ* ҳолатларидан ташқари). Сахоба фатвоси, сахобанинг ижтиҳод йўли билан айтган фикрини билдиради. Нихоят хукуқшунослар томонидан қабул қилинган умумий тамойил «зарарни олдини олиш фойда олишдан устун туради». Шундай қилиб, суннатда қўлланилган *sadd al-dharā’ī* (садд ал-дхара’и) ишлаш. Садд тўхташишини дхараи эса воситаларини билдиради. Усулда, бу ёвузлик воситаларини топиб қўйишни тўхтатади. Масалан, Пайғамбар икки юзламачиларни ўлдиришини таъқиқлаган (чунки бу жамоатни ихтилофга олиб келиши ва шубҳага асосланиб ноҳак ўлдирилишига олиб келиши мумкин).

### **Замонавий тиббиёт даврида ислом қонунларининг акс этиши (хижрий 1420-йил)**

Қонуннинг мақсадлари назарияси, *мақасид ал-шариъа*, бизга қатъий ва изчил хукукий қарорлар чиқаришга ёрдам беради. *Мақасид ал-шариъа* ёки Ислом қонунларининг олий мақсадлари, ниятлари ва мақсадлари куйидагиларга қаратилган: *Ҳифз ал-Дин* (динни ҳимоя қилиш); *Ҳифз ал-Нағс* (ҳаётни ҳимоя қилиш); *Ҳифз ал-Насл* (наслни ҳимоя қилиш); *Ҳифз ал-Ақл* (ақлни ҳимоя қилиш); ва *Ҳифз ал-Мол* (бойликни ҳимоя қилиш). Тиббиёт соҳасидаги *Ҳифз ал-Дин* соғлиқни сақлаш маъносини англатади. Бу ерда кўзда тутилган соғлиқ жисмоний ва руҳий саломатликни англатади. *Ҳивз ал-Нағсга* келсак, Аллоҳ туғилишни ҳам, ўлишни ҳам мутлақ маңнода бошқаради. Аммо одамлар тирик экан, улар яхшироқ ҳаётга лойикдирлар. Бу ерда ҳар бир инсон учун яхши ҳаётни таъминлаши керак бўлган тиббиётнинг ўрни бор. Ҳаёт муқаддасдир ва Қуръон унинг муқаддаслигини кафолатлайди. Шунинг учун Исломий тиббий ахлоқнинг биринчи тамойили ҳаётни сақлаб қолишидир.

Тиббиётда авлодлар ҳимояси (*Ҳифз ал-Насл*), уларнинг саломатлигини таъминлаш мақсадида болаларга ғамхўрлик қилиш муҳим аҳамиятга эга. Болаларнинг муваффақиятли туғилиши учун ҳомиладор аёлларга ғамхўрлик, туғруқдан олдин тиббиёт ва педиатрия муҳим аҳамият касб этади. Соғлом бўлиш – бу соғлом вояга етиш, насл бериш ва инсон ҳаётини давом эттириш учун зарурый шарт. Ислом бепуштликни даволаш ва насл беришни рағбатлантириш тарафдори.

Онгни тиббий ахлоқ қоидаларига қарши ҳимоя қилиш (*Ҳифз ал-Ақл*) ҳар қандай жисмоний ёки руҳий касалликни даволаш зарурлигини англатади. Касалликдан халос бўлиш руҳий хотиржамликни келтириб чиқаради. Бешинчидан, бойликни ҳимоя қилиш (*Ҳифз ал-Мол*) ҳар қандай жамоатнинг бойлиги билан боғлиқ бўлиб, бу унинг соғлом фуқаролари ни етишириш фаолиятига боғлиқдир. Тиббиёт касалликларнинг олдини олиш, соғлигини мустаҳкамлаш ва касалликларни даволаш орқали бойлик орттиришга ҳисса кўшади. Шариат қоидалари ва тамойиллари, шунингдек, учта тоифадан бирига киради: (а) мутлақ заруриятлар (*darbriyyat-darruriyam*), (б) эҳтиёж (*hajjiyuyl-ҳажсиййат*) ва (с) қўшимчалар (*talhsiniyyat-taҳ siniiyiyat*). Юкоридаги бешта нарса зарурат тоифасига киради.

### **Ихтилофга оид қоидалар**

Қонунлар ихтилоф ишларини кўриб чиқиш учун қўлланилади ва зарурдир, чунки реал ҳаётий вазиятлар ҳимоя қилишни талаб қиласиган юқоридаги соҳаларнинг ўртасида зиддиятли бўлган ҳолатларни келтириб чиқаради. Биринчи асосий тамойил – бу мақсадлар нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши керак бўлган ният. Барча ишлар унинг ортидаги ниятига қараб тан олинади. Бу шифокорни виждонига кўра иш қилишга чакиради. Масалан, оғир касалларда ўлимга олиб келадиган нафас олиш тушкунлигини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолларда, морфиндан оғриқни йўқотиш учун фойдаланиш.

Суб – (бу ерда иккинчи деб аталади) тамойили шундан иборатки, бу тўғридан-тўғри маъно эмас, балки ниятдир. Ушбу тамойил ахлоқсиз ҳаракатларни оқлаш учун матннинг сўзма-сўз таржимасига асосланган ҳукуқий далиллардан фойдаланишни рад этишда ишлатилиди. Масалан, ҳомилани ривожланиши тўғрисидаги ҳадисни ҳомиланинг ривожлани-

ши асосида abort қилиши учун талқин қилиш мүмкін. Учинчі кичик тамойил – бу воситалар ният билан бир хил мезонларға қараб баҳоланади. Бу ерда ахлоқсиз усууларни қўллаш орқали ҳеч қандай фойдали тиббий мақсадга эришиш мүмкін эмаслиги назарда тутилган. Шундай қилиб, ахлоқсиз усууларни қўллаш орқали ҳеч қандай фойдали тиббий мақсадга эришилмаслиги керак. Тўртингчиси, шубҳали нарсалардан сақланиш яхшироқдир.

Ушбу тамойил узоқ вақтдан бери давом этадиган аномалиялар ёки деформацияларга ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмайдиган кераксиз тиббий аралашувлардан ҳимоя қиласди. Бешинчиси – нарсаларнинг келиб чиқиши жоиздир. Барча тиббий муолажалар, агар уларнинг таъкиқланишини исботловчи далиллар бўлмаса, рухсат этилади. Ниҳоят, олтинчиси – агар рухсат этилганлигини тасдиқловчи далиллар бўлмаса жинсий функция билан боғлиқ барча масалалар таъкиқланади. Бу юқоридаги рухсат этилган умумий қоидадан четга чиқиш учун истисно, яъни жинсий ва репродуктив соғлиқ билан боғлиқ баъзи шартлар ва жараёнлар мавжуд.

Иккинчи асосий тамойил – бу зарар етказмаслиқдир. Ушбу тамойил «Исломда ҳеч қандай зарар етказилмайди ёки унга йўл қўйилмайди» (*Lā darara wa lā qirār fīl-Islām* *La дарара ва ла дираффи ал-Ислам*) деган ҳадисдан келиб чиқкан. Зарар етказмаслик ёки зарарни бартараф этиш учун шифокор ўз фаолияти давомида зарар етказмаслиги керак. Суб – (иккинчи) тамойили шундан иборатки, жароҳатни имкон қадар олдини олиш ёки зарарлантариш керак. Учинчі кичик тамойил – жамоат зарарни қайтариш учун шахсий зарарни афзал кўриш. Ижтимоий зарарни олдини олиш учун табиатда шахсий зарарга бўйсуниш керак. Иккинчи кичик тамойилда кўрсатилгани каби, тиббий аралашув, агар у зарур бўлса, жароҳатида енгиллаштирилиши керак бўлган асосий тамойил асосида оқланади.

Тўртингчиси – зарарни олдини олиш, тенг қийматга эга бўлган фойда олишдан устун туради. Шундай қилиб, агар фойда зарардан кўра мухимроқ ва аҳамиятироқ бўлса, унда фойда олишга интилиш биринчи ўринда туради. Бешинчиси – катта миқдордаги зарарни олдини олиш учун озроқ зарар етказиш. Агар иккаласи ҳам зарарли бўлган тиббий вазиятга дуч келсангиз ва улардан бирини танлашдан бошқа илож йўқ

бўлса, кўп зарар келтирмайдиган тури танланмайди. Масалан, юқумли касалликларга қарши курашда давлат фукаронинг ҳаракатини чеклаши, ҳатто унинг мулкини йўқ килиши керак. Олтинчидан – зарарни олдини олиш, тенг қийматга эга бўлган фойда олишдан устун туради. Жароҳат билан бир хил даражада шикастланишга олиб келадиган тиббий амалиёт қўлланилмаслиги керак. Ва ниҳоят, еттинчиси – бир шахсга жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарар етказилиши мумкин. Жамият манфаатига эга бўлган тиббий аралашувлар шахсий манфаатлардан устундир. Демак, жамоатга фойдаси бўлмаса, давлат жамоат хукуклари ни бузиши мумкин эмас.

Учинчи асосий тамойил – бу аниқлик. Агар аниқ таъқиқлар бўлмаса, барча ҳаракатлар жоиздир.<sup>14</sup> Аммо аниқ қоидалар бўлмаганида нима қилиш керак? Тиббиётда ҳамма нарса эҳтимол ва нисбийдир. Шундай қилиб, тиббий амалиётлар тахминлар (*zan-zan*) ёки шубҳа (*shak-shak*) даражасида ишлай олмайди. Даволаш бўйича қарорлар эҳтимолликлар балансига асосланади. Ушбу тамойил узоқ вактдан бери давом этадиган аномалиялар ёки деформациялардаги кераксиз тиббий аралашувлардан ҳимоя қилади, бу эса ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмайди.

Тўртинчи асосий тамойил – бу қийинчилик билан боғлиқ. Қийинчилик қийинчиликни туғдиради (*al-mashaqqah tajlibu al-taysîr* ал-машаққаҳ тажслибу ал-тайсир). Тиббий шароитда қийинчиликлар зудлик билан бартараф этилмаса, жисмоний ва руҳий саломатликни жиддий равишда бузадиган ҳар қандай ҳолатга сабаб бўлади. Қийинчилик барча шаръий қоидалар ва мажбуриятларни енгиллаштиради. (Иккинчи) кичик тамойилга кўра, қийинчиликлар енгиллик яратади ёки қийинчилик қулайлик туғдиради. Қийинчиликлар енгилликларни яратиш учун имкониятларни талаб қилинади. Ушбу тамойил Ислом қонунчилиги қийинчиликларга эмас, балки қулайликка эришиш учун йўналтирганигини акс эттиради. Шундай қилиб, агар зарурат (*darūrah*) туғилса, қийинчиликлар тамойили бўйича таъқиқланган тиббий аралашувларга йўл қўйилади. Қийинчиликнинг учинчи тамойили сифатида, зарурат таъқиқланган нарсаларни қонунийлаштиради. Ҳақиқий қийинчиликлар зарурат сифатида қабул қилинади. Қонунда ҳар қандай қийинчиликларга дуч келганда масалаларни енгиллаштириш учун бўлган қоидалар мавжуд. Бундай чораларни кўриш шарти шундаки, қийинчиликлар ҳақиқий

бўлиши керак. Масалан, кийинчилик тамойили асосида сирлар зарурат остида очилиши мумкин. Ваъсий суд ишларида, адолатсизлик билан боғлиқ бўлган жиноят ишларида гувоҳлик бериши мумкин.

Бешинчи асосий тамойил одатларни ўз ичига олади. Тиббий ёрдамнинг умумий қабул қилинган стандарти одат бўйича белгиланади. Одатий деб ҳисобланадиган нарса бир хил, кенг тарқалган ва устун бўлган нарсадир. Бу одат ҳам қадимий бўлиши керак, шунда тиббий келишув шаклланиши учун имконият бўлади.

Биоэтиканинг долзарблиги шундан иборатки, ушбу хукуқларга эришиш учун Ислом нафақат ҳукукий кафолатлар, балки динамик ва самарали ахлоқ кодексларини ҳам белгилайди. Одиллик, ҳалоллик, ишончлилик ва ҳақиқат каби ахлоқий қадриятлар ҳеч қачон фалсафий жиҳатдан шубҳа остига олинмаган, гарчи бу ерда амалий камчилик ёки уларнинг амалда кўулланилишида катта фарқ бўлиши мумкин. Исломий биоэтика – бу Исломнинг қонуний ўлчовидир.

## **ТЎРТИНЧИ БОБ**

### **Ғарб дунёвий ва Исломий биоэтиканинг фалсафий аҳамияти**

Фалсафа асосан учта саволни ўрганади: Тўғри нима? Ҳақиқат нима? Яхши нима? Биринчиси, онтология, воқелик ва мавжудликни ўрганиш. Иккинчиси эпистемологияга тегишли. Биз қаердан биламиш? Бирон бир нарсани ҳақиқат ёки бошқа нарса эканлигини қаердан биламиш? Билиминг шартлари ва чекловлари қандай? Учинчиси аксиология, яъни ахлоқ ва эстетика билан боғлиқ. Ушбу бобда онтология, эпистемология ва аксиологиянинг дунёвий ва Исломий биоэтиканинг нуқтаи назари билан боғлиқлиги муҳокама қилинади.

#### **Онтологиянинг долзарблиги**

Ғарб дунёвий фалсафаси ҳақиқатни табиий дунё билан чеклайди, моддий олам ҳақиқатнинг ягона даражаси сифатида қаралади. Дунё мустақил, абадий олам ва унинг қонунларига биноан ривожланиб борувчи ўз-ўзини

таъминлайдиган тизимдир. Дунёвийлик мавжудликнинг замонавий ва замонавийлиқдан кейинги (гарбий) тушунчасидан хар қандай мукаддас туйгуни олиб ташлади. Биология, бошқа фанлар сингари, фалсафадан материянинг оламнинг асосий элементи ва унинг физикавий, кимёвий хусусиятлари нуқтаи назаридан ўрганилиши мумкин бўлган нарса тушунчасини ўзлаштириди.

Ислом онтологияси Ғарб фалсафий онтологиясидан тубдан фарқ қиласди, чунки у бутун коинот учун ягона Худо борлигини тасдиқлади. Ислом онтологияси Худони буюк Ҳақиқат деб белгилайди ва ташки дунёдаги барча элементларга нисбатан устун деб ҳисоблайди. Ислом онтологиясида, Худо сифинишга лойик бўлган Мутлақ мавжудотдир. Ислом онтологияси бизнинг тажрибамиздан мустақил ташки дунё борлигини таъкидламоқда. Биз унинг фақат бир қисмини бошдан кечирамиз. Тажрибасиз қолган, аммо инсон ҳаёти учун муҳим бўлган қисм Пайғамбарларга очиб берилган ва инсониятнинг оддий тажрибалари нуқтаи назаридан таржи-ма қилингган.<sup>15</sup> Инсоният рух ва жисмоний тана билан таъминланган шунинг учун инсонда ҳам руҳий ҳам маънавий жиҳатлар мужассам.

Мусулмон файласуфларининг фикрига қўра тиббиётда инсоният механизм нуқтаи назаридан эмас, балки организм нуқтаи назаридан ўрганилиши керак. Инсон нима? Ҳеч қандай материя, машина, кимё фабрикаси, жисмоний энергия тўплами, истаклар ва хислар мажмуаси, фикрлаш, хис қилиш ва ҳаракат қилиш тартиби сифатида ҳам эмас. Инсоният буларнинг барчасини ва янада кўпроқ жиҳатларни қамраб олган; инсоният – бу механизм ва организм, материя ва онгни ўз ичига олган мураккаб ва сирли мавжудот; аслида, ўта сезгир бир бутунликдир.

Бундан ташқари, ислом метафизикасида коинотнинг аниқ мақсади борлиги таъкидланган. Тўғри мuloҳаза юритиш орқали одамлар дунёнинг қисман қадриятларни рўёбга чиқаришга қаратилган олий мақсади борлигини билишлари мумкин. Ислом одоб-аҳлоқида қадриятлар ҳақиқат замирида ётади ва дунёдаги барча жараёнлар ҳамда ҳаракатлар уларни амалга оширишга йўналтирилган деб ҳисобланади.

## **Эпистемологиянинг долзарбилиги**

Эпистемология билимларни ва уларнинг моҳиятини, чегарасини ва ҳақиқийлигини ўрганиш билан боғлиқ фан. У «Ҳақиқат мавжудми?» «Мен нимани билсам бўлади?» ва «Қандай қилиб билсам бўлади?» каби саволларга жавоб беради. Бироқ, илмий инқилоб ривожланиши ва дунёning материалистик, одамга йўналтирилган тушунчасининг ғоявий ривожланиши билан, замонавий ҳамда замонавийликдан кейинги (гарбий дунёвий) билим тушунчасида муқаддаслик ҳисси деярли йўқ бўлиб кетди. Бугунги кунда ақл ва рационаллик туйғуси тажрибасига асосланниб, ҳис этиш туйғуси ва динни инкор этиб устунлик қилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ваҳий ва дин билим манбаи сифатида бутунлай рад этилган.

Исломий эпистемологияда мутлақ билим фақат Аллоҳга тегишли. Кўзга кўринадиган дунёning табиати қандай ва у ғайб илми билан қандай боғлиқ? Инсон онги кўринмас нарсаларни тўлиқ билишга қодирми? Исломий эпистемологик нуқтаи назардан, Аллоҳ Таоло одамларга юрак (*қалб*) деб аталадиган ақл-идрок берувчи аъзони ато этди. Шундай қилиб, биз билишнинг учта даражасига эгамиз: 1) сезги ҳисси – кўриш, эшитиш, хид билиш ва бошқаларни ўз ичига олади, унга кўз, қулоқ ва бошқа аъзоларнинг сезги қобилиятлари орқали эришилади; 2) рационал идрок – ақл орқали идрок этиш, мулоҳаза юритиш, фикрлаш ва бошқалар орқали юзага келади; ва 3) руҳий идрок – сезги, ақл ва илҳом бўлиб қалб орқали идрок этилади. Демак, Исломий эпистемология Фарбдаги фикрлашдан фарқли ўлароқ, фақат ёки тўлиқ ақлга боғлиқ бўлган мутлақо рационалистик ҳам эмас.

## **Аксиологиянинг долзарбилиги**

Аксиология инсон қадриятлари ҳақидаги фан бўлиб, ахлоқ ва эстетикани ўрганади. Ахлоқ нима яхши ва ёмон нима деган саволга жавоб беради. Фарб дунёвий биоэтикасида қадриятлар шахсий ёки жамоавий бўлишидан қатъий назар, фақат инсон манфаати сифатида қаралади. Улар ташқи дунёга бефарқ бўлиб қолади. Субъектив-объектив фарқ мавжуд. Фарбий дунёвий биоэтика қадриятларни инсоннинг кузатувлари ва тажрибалирига нисбатан бўлган инсон ҳодисалари деб билади. Бундан ташқари, қадриятлар ғайритабиий эмас ва ҳеч қачон илоҳий мавжудотнинг иродаси билан сақланиб қолмайди ҳамда амалга оширилмайди.

Аксинча, Ислом одоб-ахлоқи Қуръонда, Пайғамбарлик урф-одатларида ва инсоний фикрларда аниқ белгиланган тамойиллар асосида ахлоқий жиҳатдан яхши ҳамда ёмон бўлган нарсаларнинг аниқ, ишончли манбасини беради. Ушбу тамойиллар тўғридан-тўғри ўрганилган билимлардан келиб чиқади. Исломий тамойиллардан фойдаланган ҳолда инсон ҳаракатларининг хукуқий қиймати қуидагича таснифланади: а) *мубаҳ* (*mubaḥ*) - мажбурий, мақтовга лойиқ, жирканч ёки таъқиқланган деб белгиланмаган ҳар бир ҳаракат; б) *мустаҳаб* (*mustaḥab*) – мақтовга сазовор/тавсия қилинган, аммо шунга қарамай мажбурий эмас; с) *фарз* (*fard*) – мажбурий бўлган; д) *макруҳ* (*makrūh*) – жирканч ва тушкун деб ҳисобланган, аммо таъқиқланмаган нарса; ва е) *ҳаром* (*harām*) – мусулмон учун мутлақо ноқонуний ва таъқиқланган ҳаракатлар.

## БЕШИНЧИ БОБ

### Сунъий уруғлантириш, Ғарбнинг дунёвий ва Исломий биоэтикаси: қиёсий таҳлил

Сунъий уруғлантириш (СУ) – бу сперматозоидларни аёлнинг жинсий қини йўлига эакуляциясиз (жинсий ажралиш) механик йўл билан жойлаштириш усулидир.<sup>16</sup> СУ билан боғлиқ учта асосий нарса бор: (а) СУ – бу спермани жинсий алоқа орқали эмас, балки механик усул билан аёлларнинг репродуктив трактига жойлаштириш; б) эркак киши аёлнинг қинига эакуляция қилмайди; ва (с) сперматозоидни аёл жинсий тизимига маҳсус асбоб билан жойлаштириш керак.

Амалиётда ишлатиладиган сперматозоидларнинг манбасига қараб сунъий уруғлантиришнинг икки тури мавжуд: Гомологик сунъий уруғлантириш (ГСУ) ва гетерологик/донор сунъий уруғлантириш (ГСУ). Гетерологик/донор сунъий уруғлантиришда сперма эркак кишидан олиниди. Жараённинг номи одатда ГСУ деб кисқартирилади ва «Г» ҳарфи «эркак» кишига таълуқли. Бироқ, эркак шерик қонуний эрни англатмайди. Яъни, қонуний никоҳ ришталари ушбу жараёнда қатъий талаб ҳисобланмайди. Аксинча, эркак шерик фақат эрнинг функционал эквиваленти бўлиши керак.<sup>17</sup> ГСУ усули «эркакнинг» донорлик спермасидан фойдаланади. Бу усул «эркакнинг» бепушт бўлганида қўлланилади.

ГСУ агар эркак сперма ҳосил қила олмаса ёки етарлича бўлмаган ҳолда тавсия этилади. Шариатда СУ қуидаги шароитларда кабул қилинади: (а) қонуний никоҳланган жуфтлик ўртасида бўлиши керак; ва (б) ажрашгандан кейин бу мумкин эмас. Европа фатво ва тадқиқотлар бўйича кенгашининг таъкидлашича, «Аёл киши агар ажрашган бўлмаса ёки эри вафот этмаса, уруғлантириш учун эрининг спермасидан фойдаланиши жоиздир».<sup>18</sup> СУ қонуний никоҳланган жуфтликлар ўртасида содир бўлиши керак деган фикрга асосланади. Исломда жинсий алоқа фақат эр-хотинлар ўртасида бўлиши мумкин. Шу билан бирга, аёлнинг бачадонига юборилган сперма эрники эканлигига мутлақо кафолат бўлиши керак. Донор тухумхужайрасидан ёки донор спермасидан фойдаланиш Исломда таъкиқланган, чунки бу наслни йўқ қиласи, бу эътиқоднинг юкори даражада ҳимояланган жиҳати ҳисобланади. Бу амалиёт зинога тенг ҳисобланади.

Ғарб дунёвий шароитида СУ билан боғлиқ ахлоқий масалаларнинг аксарияти Гомологик сунъий уруғлантиришга эмас Гетерологик/донор сунъий уруғлантириш билан боғлиқ. Шундай қилиб, ўлимдан кейин спермани олишдан ташқари, ахлоқий мунозараларнинг аксарияти донорлар масаласи билан боғлиқ. Олимларнинг аксарияти онанизмни ҳаром<sup>19</sup> деб эълон қилишди, аммо сунъий уруғлантириш нуқтаи назаридан, агар қонуний никоҳланган жуфтликлар ўртасида сунъий уруғлантириш мақсадида сперма тўплаш ниятида бўлса, онанизмга йўл қўйилади.

Ғарбнинг дунёвий фалсафий тушунчасида ГСУдан фойдаланиш бўйича ахлоқий қарор икки турли. Бу ахлоқий ўлчовда ижобий ва салбийдир. Таъкидланишича, ГСУ фарзанд асраб олишнинг муқобилига нисбатан маълум психологик фойда келтиради, чунки эр ва хотин ҳомиладор бўлишдан бошлаб ҳомиладорлик пайтида, туғиш тажрибаси ҳамда бола ҳаётининг дастлабки кунлари билан ўртоқлашиши мумкин. Ислом нуқтаи назаридан талқин қилинган, гарчи ГСУ қонуний равищда жазоландиган жиноят бўлмаса-да, у ҳали ҳам ахлоқий жиҳатдан нотўғри ва таъкиқланган.

Ғарбий дунёвий биоэтикада ахлоқшунослар ГСУ билан боғлиқ селектив наслчиллик хавфи ҳақида ташвишланмоқдалар. Ота-оналарнинг хоҳишларига кўра шифокорлар ва клиникалар онага «мукаммал» болани

яратиш учун даҳо, чиройли, сперма донорини топишади. Бунинг мақсади дунёни бошқарадиган одамларни яратиш ва бу евгеника ҳаракатига тегишилдирип. Ушбу ва бошқа ахлоқий қийинчиликларни четлаб ўтиш учун, баъзида фарзанд асраб олиш беспуштлик учун ГСУга қараганда яхшироқ ечим бўлади деб таъкидлашади.

Яна бир, ахлоқий савол, ёлғиз аёллар, турмуш қурмаган гетеросексуал жуфтликлар ёки бир жинсли жуфтликлар ГСУдан фойдаланиш хукуқига эга бўладими ёки йўқми? Ғарб дунёвий биоэтиклари ГСУни қўлланган турмуш қурмаган аёл билан ахлоқий муаммога дуч келмаслиги мумкин. Гомосексуалларга ёки ёлғиз одамларга экстракорпорал уруғлантириш, сунъий уруғлантириш ёки фарзанд асраб олиш учун номзод бўлишига йўл қўймаслик, бундай одамларни хаётдаги энг муҳим роллардан бирига яроқсиз деб белгилашдир. Гомосексуаллар ёки ёлғиз ота-оналар ёмон ота-оналар деб ўйлаш учун хеч қандай сабаб йўқ. Аммо, Ислом ахлоқи гомосексуалларнинг ёрдамчи репродукцияга бўлган хукуқига нисбатан аниқ қарама-қарши нуқтаи назарга эга.

Вафотидан кейинги назария кўплаб мураккаб ахлоқий ва ижтимоий муаммоларни кўтаради. Аёлга вафот этган шеригининг спермаси ёрдамида ҳомиладор бўлишига ёрдам бериш тўғрисидаги қарор, ўлимидан олдин шу мақсадда ихтиёрий равишда музлатилган ёки ўлимидан кейин олинган бўлса, келгуси чақалоқнинг фаровонлигини ҳисобга олган ҳолда йўл қўйилади. Турли хил хукуматлар турли хил қонунларга эга ва шу сабабли Ғарбнинг фалсафий тафаккурида ўлимдан кейин спермани олишни қабул қилиш борасида турли хил фикрлар мавжуд. Бундан фарқли ўлароқ, Ислом ахлоқи ўлимдан кейин уруғ олиш бўйича аниқ салбий нуқтаи назарга эга. Ислом одоб-ахлоқ доираларида никоҳ эр-хотинлар ўргасида тузилган қонуний шартнома сифатида қаралади, ажрашганидан ёки ўлимидан кейин бекор бўлади. Шу сабабли, ўлгандан кейин спермани олиш, ҳатто вафот этган эр розилик берган бўлса ҳам, никоҳ шартномасини бузиш ахлоқий ва ҳукуқий жиҳатдан тўғри эмас деб хисобланади.

## **ОЛТИНЧИ БОБ**

### **Сунъий уруғлантириш: Ғарбий дунёвий ва Исломий биоэтика истиқболлари**

Ин витро (сунъий) лотинча ибора бўлиб, «пробирка (найча)» деган маънени англатади. Эмбриологияда бу «бачадонда» деб аталади. Одатда, одамнинг уруғлантирилиши, бачадон найчаларида яъни, бачадонда бўлади. ЭКУ – бу аёл танасидан ташқарида сунъий равишида синов найчасида амалга ошириладиган уруғлантиришdir.<sup>20</sup> ЭКУга уринишнинг асосий сабаби – бу нормал ҳомиладорлик етиштириш учун функциялари етарли бўлмаган носоғлом, шикастланган ёки тиқилиб қолган найчаларни четлаб ўтиш. Агар аёлнинг бачадон найчалари тўсилиб қолса, тухумхужайра бачадонга бора олмайди. Дарҳакиқат, ЭКУнинг сабаби – бу сперматозоидларни найчадаги тухумхужайра билан алоқа қилиш орқали тубал функцияни алмаштириш ва кейин эмбрионни бачадонга ўтказишидир. Эркакларнинг бепуштлиги, шунингдек, сперма сони, ҳаракати ёки тузилиши файритабиий деб ҳисобланганда, ЭКУ амалга оширилиши мумкин.

### **ЭКУ этикаси: Исломий биоэтика истиқболлари**

*Мақасид ал-шариъа* бизга Исломий қарашларни тушуниш учун қўлланма беради. Кўпайтириш ва наслни сақлаб қолиш зарурати (*Ҳавз ал-Насл*) нуқтаи назаридан Исломий биоэтика ЭКУга ижобий муносабатда бўлади, агар бу қонуний никоҳда бўлган эр-хотин учун бўлса. Ислом конференцияси ташкилотининг (ИКТ) Қарорига биноан, зарур бўлган барча чоралар кўрилган тақдирда, зарур бўлган ҳолларда қуидаги усувлар жоизидир: 1) Аёлнинг тухум ҳужайрасини эрининг уруғи билан худди шу аёлнинг бачадонида экстракорпорал уруғлантириш ва имплантация қилиш ва 2) ташки уруғлантириш, эрнинг уруғини олиб, уни рафиқасининг қорнида ёки бачадонида керакли жойга қуиши.<sup>21</sup> а) Донорнинг сперматозоиди билан бошқа донорлар аралашиши мумкин эмаслигини таъминлаш учун жиддий чоралар кўрилади ва б) Сперма факат донорнинг ўз хотинини ҳомила қилиш учун ишлатилади (турмуш ўртоғининг розилиги билан).

Наслни сақлаш зарурати ва наслни химоя қилиш нуқтаи назаридан (*Ҳивз ал-Насаб*), эҳсон қилинган сперма ёрдамида ЭКУ ўтказиш Исломда мут-

лақо таъқиқланган. Болалар фақат эр ва хотин бирлашиши орқали дунёга келиши мумкин. Хулоса қилиб айтганда, ЭКУ қуидаги шартларда бажарилиши керак: 1) Бунда эр ва хотиннинг фақат никоҳ давомида қилинган муолажасини ўз ичига олиши керак. 2) Сперма ва тухумхужайранинг бирлашиши эр вафот этганидан кейин ёки ажрашгандан кейин содир бўлмаслиги керак. 3) Сперматозоидлар ва тухумхужайраларининг бирлашиши фақат никоҳ шартномаси доирасида бўлиши керак. 4) Бегона одамнинг уруғини қўлланиш таъқиқланади. 5) Ажрашган аёлга собиқ эрининг спермаси уруғланган тухумхужайрасини (эмбрионини) олишга руҳсат берилмайди. 6) бева аёлга эри вафот этганидан кейин сперма олишга руҳсат берилмайди. 7) Аёл эрининг музлатилган спермасидан фақат иккаласи тирик бўлганда фойдаланиши мумкин. 8) Никоҳдан олдин музлатилган сперма ишлатишга йўл қўйилмайди.

Ҳаётни муҳофаза қилиш (*Ҳивз ал-Нафс*) тўғрисида, ҳаётни бузадиган ва табиий тартибсизликни келтириб чиқарадиган ҳар қандай нарса Ислом ахлоқида таъқиқланган. Тадқиқотга оид эмбрионларни ишлаб чиқаришини таъқиқлаш керак. Фақатгина тадқиқот мақсадида инсон эмбрионларини яратиш тўғри эмас. Бироқ, ислом ахлоқи ортиқча уруғланган тухумхужайрани йўқ қилишда ҳеч қандай муаммо кўрмайди. Бу аборт эмас, чунки аборт фақат уруғлантирилган тухумхужайранинг корнига жойлаштирилгандан кейингина содир бўлади ва иккинчидан, аборт лаборатория идиши ёки найчада (пробиркада) эмас, балки аёлнинг танасида содир бўлади. ИКТ резолюциясида қўшимча уруғланган тухумхужайраси мавжуд бўлса, унинг ҳаёти табиий равишда тугамагунча уни тиббий ёрдамсиз қолдириш кераклиги таъкидланган.<sup>22</sup> Бундан ташқари, эмбрионлардан тадқиқот мақсадида фойдаланиши мумкин, чунки ортиқча уруғланган эмбрионлардан фойдаланган ҳолда тадқиқотлар ижтиҳод, маслаҳаҳ, мурсалаш (жамоат манфаатларини хисобга олиш) тамойилларига асосланиб инсониятга фойда келтириши мумкин.

Ақлни ҳимоя қилиш масаласида (*Ҳавз ал-Ақл*), ЭКУ руҳий қониқиши талабини бажариши керак. Шундай қилиб, агар ЭКУ уларнинг руҳий қониқишига олиб келадиган бўлса, нега жуфтликлар бунга уринмасликлари керак? Бойликни муҳофаза қилиш борасида (*Ҳавз ал-Мал*), ЭКУ даволашни истаган келажакда ҳар қандай нохуш ҳолатларга дуч келмасликлари учун ўз маблағларини хисоблаб чиқиши керак.

Эътиқодни ҳимоя қилиш масаласида (*Ҳавз ал-Дин*) ҳеч қандай низо бўлмаслиги керак.

### **ЭКУ этикаси: Исломий биоэтика истиқболлари**

Имкониятлар бўйича бир-бирига ўхшашлик мавжуд бўлса-да, Фарбнинг дунёвий биоэтикаси ва Исломий биоэтикасида ЭКУга нисбатан анча фарқ бор. Масалан, Фарбнинг дунёвий биоэтикаси ЭКУда донор спермаси ва тухумхужайрасини фойдаланишни тасдиқлаш тўғрисида баҳслашмоқда; Исломий биоэтика биринчи навбатда насл-насаб муаммоси билан боғлиқ. Фарбий дунёвий биоэтика лезбиянларга ёрдамчи репродуктив тиббиётдан фойдаланиш хуқукини беришни ният қилмоқда; Исломий биоэтика буни рад этади ва, шунингдек, ёлғиз аёлларга ёрдамчи репродуктив тиббиётдан фойдаланишни таъқиқлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, Ислом ажралишдан кейин сперма ва тухумхужайрани ишлатишни таъқиқлади, Фарбнинг дунёвий биоэтикаси эса бунга йўл беради. Фарбнинг дунёвий биоэтикаси, қонуний равишида турмуш курган жуфтликдан бири вафот этганидан кейин сперма ёки тухумхужайрани фойдаланишига йўл қўяди, аммо Исломда бу таъқиқланган. Исломий биоэтика жамият ва инсон муносабатлари учун энг катта фаровонлик ва барқарорликни юқори даражага кўтариш учун донор сперма ва донор тухумхужайрани фойдаланишни таъқиқлади. Эмбрионнинг орқа бош миясини (илдизини) тадқиқ қилиш Фарбнинг дунёвий биоэтикаси учун зиддиятли, Ислом биоэтикасида заҳирарадаги эмбрионлар билан изланиш юргизишга руҳсат берилади.

Исломий биоэтика асосий эътибор вақтинчалик ва якуний яхшиликка қаратилган бўлса, Фарб дунёвий биоэтиканинг аҳамияти аниқ яхшиликка қаратилган. Ислом дини нуқтаи назаридан яхшилик тор тушунча эмас; аксинча, яхшилик онтологияси ҳамма нарсани қамраб оловучи хусусиятга эга. ЭКУ ҳақидаги Исломий биоэтик ахлоқий ғоялар жадал ва йўналтирилган бўлиб, улар инсон ҳаётига катта аҳамият беради, оиласий яхлитликни сақлайди, жамият ва унинг аъзолари фаровонлиги ҳамда барқарорлиги истакларини вақтинча қондиришдан кўра узок муддатли яхшилик доимо устун бўлиши кераклигини исботлайди. Максад восита-ларни оқламайди.

## ЕТТИНЧИ БОБ

### Суррогатлик: Ғарбий дунёвий ва Исломий Биоэтика истиқболлари

*Суррогат* сўзи лотинча суррогатусдан олинган ва сўзма-сўз «ўрнини бо-сувчи» деган маънони англатади. Кўпайтиришга келсак, бу шунчаки бир аёлни бошқа бир аёлга фарзанд дунёга келтириб беришини англатади. Суррогатация тушунчаси аслида сунъий уруғлантириш (СУ) ва экстракорпорал уруғлантиришнинг (ЭКУ) қўшимча маҳсулотидир. *Суррогат* келишувида аёл ҳомиладорлик пайтида боласини қорнида кўтаради ва туғруқдан кейин болани бошқа одамга топширади, шунда у бола ёки унинг оиласи олдидаги барча мажбуриятлардан озод қилинади. Суррогатация: генетик ва ҳомиладорлик суррогатлиги бўлиб иккига бўлинади. Генетик суррогатлика суррогатнинг тухумхужайраси донорнинг спермаси (боланинг отаси) томонидан сунъий равишда уруғлантирилади. Ҳомиладорликдаги суррогатлика аксинча, аёлнинг тухумхужайраси эркакнинг сперматозоидлари билан уруғлантирилади ва бошқа аёлнинг бачадонига жойлаштирилади.

Исломий биоэтика ушбу амалиётга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин эмас, чунки суррогация аёлнинг қорнида бегона элемент – донор сперматозоидидан фойдаланишнинг аниқ шакли хисобланади. Генетик суррогатлик масаласи янада муҳим ва мушкулроқ, чунки бу ерда аёл нафақат ҳомилани ташийди, балки тухумхужайрасини ҳам эҳсон қилмоқда. Шариатнинг (*мақасид ал-шариат*) асосий мақсади насабни (*Ҳавз ал-Насл*) ёки наслни ҳимоя қилишdir. Суррогатация икки онанинг курашига олиб келиши мумкин: ҳақиқий она ким, тухумхужайра етказиб берувчими ёки ҳомилани ташувчими? Қандай қилиб суррогат она факатгина бачадонини ижарага бераётган бўлса, боланинг отаси билан қонуний никоҳ ришталари бўлмаса ёки у билан генетик алоқаси бўлмаса, уни ҳақиқий она деб хисоблаш мумкинми? Худди шу нарса тухумхужайра донори ҳам Қуръонда айтиб ўтилганидек, ҳомилани ташимаса, болага нисбатан тўлиқ даъво қилиши мумкинми? «... она бўлиб болани дунёга келтиргани саналади ...» (58: 2)

Ууман олганда, Ғарбнинг дунёвий ва Исломий ёндашувлари она ва бола фаровонлиги билан боғлиқ бўлиб, жамият фаровонлигини асосий мақсад қилиб қўяди. Шунга қарамай, аниқ фарқлар мавжуд. Ислом ахлоқи аввало аёл бачадонининг ички қийматини, сўнгра уни ижарага олишнинг ахлоқий қадр-қимматини белгилайди. Ислом ахлоқи суррогатликка салбий қарайди, чунки у наслни ҳимоя қила олмайди, бу эксплуатация сифатида жамиятга кириб келаётган кўплаб заарли одатларга хавф туғдиради. Ғарб дунёвий файласуфлари суррогатликни яхши оиласий алоқаларга олиб бориш ўрнига амалиёт унга таҳдид солади деган фикрга асосланиб танқид қилмоқдалар. Келгусида ижтимоий оқибатлар бўлиши мумкин; асраб оловучи жуфтлик охир-оқибат ажрашиши мумкин, бу холда фарзанд асраб оловучи онанинг отасидан фарқли ўлароқ чақалоқ билан биологик алоқаси бўлмайди.

Бундан ташқари, баъзилар суррогат оналикни тижорат оналик (ТО) ёки «чақалоқ шартномаси» деб аташади, чунки репродукция тижоратлаштирилган ишга айланади. Бола ўзининг туғилиши суррогатлик орқали бўлганлигини ўрганишга тайёр бўлмаслиги мумкин бўлган психологик мантикий хавф мавжуд. Исломий биоэтика нафақат боланинг фойдасини ва уни мол сифатида кўрмаслигини, балки аёл бачадонининг қадр-қиммати ва шарафини ҳимоя қиласи.

Ғарб фалсафий тизимида суррогатликка нисбатан қатъий ва бир хил нуқтаи назар мавжуд эмас, бу асосан турли хил фалсафий қарашлар ва ахлоқнинг нисбатан либерал қарашлари билан боғлиқ. Шубҳасизки, суррогатация, айниқса Ғарбда тобора оммалашиб бормоқда. Ғарбнинг дунёвий биоэтикаси ушбу амалиётнинг ахлоқий қадр-қимматини баҳолаш учун турли хил далилларни ва қарши далилларни келтириб чиқармоқда (асосан инсон қадр-қиммати, болага таъсири, суррогат онага таъсири, суррогатларнинг молиявий сабаблари, болани асраб олиш орқали ўз-ўзини қондириш мотивлари), Исломий биоэтика шариатнинг бешта мақсадига биноан буни танлайди. Асосий масалалар зино, оилавий мерос, кариндош бўлмаган биродарлар билан бир-бирларига уйланиш эҳтимоли ва бошқалар билан боғлиқ. Ууман олганда, суррогатликнинг зарари унинг фойдасидан кўп.

## **САККИЗИНЧИ БОБ**

### **Инсонни клонлаш: Ғарбий дунёвий ва Исломий биоэтика истиқболлари**

Клонлаш юононча «klwn» (клвн) сўзидан келиб чиққан бўлиб, «новдалар» деган маънони англатади. 1996-йилда Долли исмли қўй муваффақиятли клонланганлиги сабабли, глобал қизиқиш ва кенг равища рад этиш кескин кўпайди. Клонлаш – бу ота-онаси билан деярли бир хил генетик таркибга эга бўлган ҳайвон ёки одамни ишлаб чиқариш жараёни. Соматик хужайраларнинг ядросини кўчириб ўтказиш техникаси (СҲЯКЎТ) клонлашнинг асосидир. СҲЯКЎТда соматик хужайранинг ядроси ўзига хос шароитларда энуклеация қилинган (ўз ядроси олиб ташланган) тухум хужайрасига кўчирилади. Сўнгра соматик ядро тухумхужайра ситоплазмик омиллар билан қайта дастурланиб, уруғланган тухумхужайрага (зигота ядроси) айланади. Репродуктив клонлаш, СҲЯКЎТдан келиб чиққан бластоцистни бачадонга жойлаштирганда содир бўлади ва ҳомила ривожланади.

Ёрдамчи репродуктив тиббиётнинг замонавий техникаси юкори муваффақиятларга эга эмас ва фарзанд кўришни истаган жуфтликлар назарий жиҳатдан клонлаштиришга ўтишлари мумкин. Масалан, одамларни клонлаш эркакларнинг бепуштлик муаммосини ҳал қилиши мумкин: агар эрнинг спермаси ҳаётга яроқсиз бўлса, у умумий жинсий хужайралар етишмовчилигини намоён қилиши мумкин, бу ҳолда хотин фақат бошқа эркак билан уйланиб, ота билан генетик жиҳатдан боғлиқ болани дунёга келтириши мумкин. Клонлаш техникасини қўллаш орқали, эркак танасининг исталган қисмидан олинган ДНКни ўз ичига олган хужайранинг ядроси билан, хотинининг тухум хужайраси билан бирлаштирилиши мумкин эди. Натижада пайдо бўлган эмбрионни туғруққача аёлнинг бачадонига жойлаштириш мумкин. Клонлашда эркакларнинг бепуштлиги энди муаммо туғдирмайди, чунки спермага эҳтиёж йўқолади. Бундан ташқари, бу ҳолда турмуш ўртоғи, номаълум донор спермасини ишлаташиши шарт эмас. Аслида, бола 100 фоиз ирсий томондан ўхшашибўлади.

Клонлаш аёлларнинг бепуштлигини ҳам ҳал қиласи. Бу икки хил бўлиши мумкин: тухумхужайра ёки бачадон билан боғлиқ муаммолар. Хотин

самарали тухумхужайрани чиқара олмаслиги ёки бачадони бўлмаслиги, бачадонга саратон ёки бошқа бирон бир касаллик таъсир қилиши, бачадондан фойдаланишини хоҳламаслиги ва ҳоказо. Тухумхужайра бўлмаган тақдирда, у бошқа аёлнинг тухум хужайрасини эрининг ДНКси билан бирлаштириш учун ишлатиши мумкин. Ҳомиладор бўлиши ва у болани дунёга келтира олади. Дарҳақиқат, бола эркакнинг иштирокисиз фақат аёлга тегишли бўлиши мумкин.

Одамларни клонлаш болаларни ирсий касалликлар билан туғилиш хавфидан қутқариши мумкин. Клонлаш трансплантация донорини топиш муаммосини ҳал қиласди. Фавқулодда ва ғалати соҳаларга чукурроқ кириб борадиган бўлсақ, ўлим тўшагида бўлган одам клонлаштирилиши мумкин эди, бу ҳолда яқинлари вафот этган одамнинг аниқ нусхасини олишлари мумкин. Эҳтимол, болаларни йўқотиш азобини олдини олиш мумкин: болаларнинг эмбрион клонлари уларнинг ирсий эгизакларини ишлаб чиқариш учун музлатиб қўйилган бўлса.

### **Исломий биоэтика ва инсонни клонлаш**

Зурриётни ишлаб чиқаришнинг усули – қонуний равишда турмуш қурган жуфтликнинг сперма ва тухум хужайларининг тўғри бирлашиши. Бу ерда бола ҳам ота, ҳам онанинг генларини олиб юради. Одамни клонлаш, аксинча, битта хужайра ишлаб чиқаришга имкон беради. Ислом-шуносларнинг аксарияти қуидаги сабабларга кўра инсонни клонлашни ҳаром (таъкиқланган) деб билишади:

- a) Бу Шариат томонидан тасдиқланган кўпайтиришнинг асосий назариясини бузади, яъни қонуний кучга эга бўлган никоҳда сперма ва тухумхужайранинг бирлашишини.
- b) Бу насл-насабнинг бузилиши, нопоклиги, оилавий муносабатлар, ижтимоий тузилиш ва насабга боғлиқ бўлган кўплаб шаръий таомилларнинг бузилиши каби салбий оқибатларга олиб келади.
- c) Клонланган одамларнинг туғилгандан кейин ёки кейинчалик ҳаётда нормал бўлишига кафолат йўқ.<sup>23</sup>

## **Инсонни клонлаш:**

### **Ғарбий дунёвий ва Исломий биоэтик нуқтаи назар**

Ғарбнинг нуқтаи назари клонлашга икки хил: қарши ва қарши эмас. Баъзи танқидчилар клонлаш технологияси билан боғлиқ мураккаб муносабатлардан хавотирда. Бошқалар клонлаш оиласвий муносабатларга ва оиласвий тотувликка таҳдид деб ҳисоблашади. Исломий биоэтика бу борада салбий фикрга эга. Ғарбнинг дунёвий биоэтicasига кўра, инсон психологияси одамни клонлашни қўллаб-кувватлай олмайди. Ҳар бир инсон ўзининг келиб чиқиши ва тарихини билгиси келади. Шунга қарамай, бошқаларнинг таъкидлашича, одамларнинг клонлаши индивидуал ўзига хосликни бузиш хавфи учун танқид қилинmasлиги керак. Баъзиларнинг таъкидлашича, одамларни клонлашда одам сифатида эмас, балки объект сифатида қаралади. Бошқача қилиб айтганда, одамларни клонлаш орқали инсоннинг қадр-қиммати пасайиб кетади, чунки бу ҳолда инсон ишлаб чиқарилиши мумкин. Бошқалар борликнинг қадр-қиммати унинг табиатига боғлиқ бўлиб, унинг қайта туғилиши билан алоқаси йўқ деб таъкидлайдилар. Исломий биоэтика одамларни клонлашни, Куръонда айтиб ўтилганидек, нарсаларни жуфт-жуфт қилиб яратиш услубига мос келмайдиган деб билади. (масалан, 51:49)

«Зарар етказманг» шиори Ғарб биоэтicasининг муҳим тамойилидир. Танқидчилар, одамларни клонлаш ушбу тамойилга тўғри келадими, деган шубҳадалар. Хулоса қилиб айтганда, Ғарбнинг дунёвий биоэтicasи ҳали ҳам одамларнинг клонлаш технологиясининг ахлоқий жиҳатдан рухсат этилиши тўғрисида қатъий қарор чиқаришдан олдин фойдали ва зарарли ҳусусиятларини ўрганмоқда ва муҳокама қилмоқда. Бошқа томондан, ушбу услубнинг Исломий биоэтикада рухсат этилиши ҳақида баҳслашаётган бўлса-да, аксарият олимлар ҳали ҳам салбий фикр билдиromoқдалар.

# **ТҮҚКИЗИНЧИ БОБ**

## **Ғарбий дунёвий ва Исломий биоэтиканинг ёрдамчи репродуктив технологияси (ЁРТ) билан боғлиқ истиқболлари: умумий таққослаш**

Ушбу бобда ЁРТни Ғарбнинг дунёвий ва Исломий ахлоқий нуқтаи назардан киёсий ўрганишга ҳамда уларнинг фалсафий ўзгаришига эътибор қаратилган. *Биоэтика*, Исломий ёки Ғарбий бўлсин, моҳиятан ахлоқ билан боғлиқ, шунинг учун ҳар иккала нуқтаи назар ҳаёт ва ўлим масалаларини ҳал қилишда бальзи ахлоқий кўрсатмаларга риоя қилиш тўғрисида келишиб олади. Уларнинг орасидаги асосий фарқ уларнинг эпистемологик асосларида ҳамда метафизик даражасидадир.

*Биоэтика* Ғарбда пайдо бўлганлиги сабабли, у Ғарбнинг ахлоқий таомойиллари ва урф-одатларини акс эттиради, яъни бу тамойиллар дунёнинг қолган қисмидаги ижтимоий-маданий ҳақиқатларга бегона бўлиши мумкин. Эпистемологик жиҳатдан Ғарбнинг дунёвий биоэтикаси шахсга ахлоқ мезонлари сифатида мурожаат қиласди. Исломий биотика Илоҳий маънода бўлиб Худога бўйсунади.

Рахм-шафқат нафақат Ғарбнинг дунёвий биоэтикаси, балки Исломий биоэтиканинг ҳам воситасидир. Тиббий маънода раҳм-шафқатнинг таъсири Исломий биоэтикада жуда аниқ берилган. Шифокорлар ҳар қандай вазиятдан қатъий назар, беморнинг яхши томонларини кўришга даъват этилади. Аммо «яхши» атамасини талқин қилишда яхшилик тушунчасида Ғарбнинг дунёвий биоэтикаси ва Исломий биоэтикаси ўртасида кескин фарқ бор. Утилитаризм томонидан «кўп одамлар учун энг катта фойда» сифатида белгиланади, аммо Ислом ахлоқи озиқ-овқат, сув, кийим-кечак, уй-жой ва дўстлик каби барча инсониятнинг умумий нарсалардан воз кечади... Биоэтиkadаги яна бир муҳим савол ечимни ким қабул қиласди? Исломий биоэтика шахсий эркинлик ва автономияни хурмат қиласкан, Ғарбнинг дунёвий биоэтикаси буни қандай қабул қилиши ўртасида фарқ бор, бу маънода Исломнинг эркинлик тушунчаси нисбий, Ғарбнинг дунёвий тушунчаси мутлақдир. Ислом шуни таъкидлайдики, шахснинг хабардорлиги унинг Яратгувчи Аллоҳни тан олишига асосланади.

## **Аллоҳга ишониши инсон тушунчасининг асосий манбасидир.**

Кейинги мисолда, жамият шахсдан эмас, балки уйғун коинот учун макро-ваҳийнинг асосига айланадиган оила бирлигидан бошланади. Аслида ислом ахлоқида шахс ҳаётининг маркази шахснинг ўзи эмас, балки оиласидир. Эркак ижтимоий ҳаётнинг аъзоси хисобланади. Масалан, эр-хотин бепушт эканлиги аниқланганда, улар ЁРТга мурожаат қила-диларми ёки йўқлигидан қатъий назар, кейинги қадам тўғрисида ўзаро маслаҳатлашишлари керак ва бу қарор якка тартибда эмас, балки биргаликда қабул қилиниши керак. Бундан ташқари, қарор Шариат қоидала-рига мос келиши керак, чунки шахс катта бир жамоатнинг бир қисмидир.

Аутопсия (мурдани\танани ёриб қўриш) билан аъзони кўчириб ўтиш ва бошқа томондан сперматозоидларни олиш ўргасида фарқ бор. Аутопсия ёки аъзони кўчириб ўтиш учун розилик бериш одамларга фойда келтиради, аммо марҳумнинг розилигисиз (лекин унинг оила аъзоларининг розилиги билан) ўлемидан кейин сперма тўплашни талаб қилиш бошқа нарса. Бирор кишининг ўлик жасадидан бошқа одамнинг тирик танасига аъзони кўчириб ўтишга Исломда марҳумнинг ўлеми олдидан унинг розилиги олинган бўлса, рухсат берилади. Аммо ҳуқуқлар тушунчаси мажбуриятлар ғоясини ҳам ўз ичига олади, чунки ҳуқуқлар бўлган жойда мажбуриятлар мавжуд. Ушбу мажбуриятлар турмуш ўртоғи, ота-онаси, қариндошлари, фарзандлари ва кенг доирада жамият ҳамда давлатнинг мажбуриятлари бўлиши мумкин. Ғарбнинг дунёвий биоэтикаси одамларга мутлақ эркинлик берган бўлса, Исломий биоэтика барча субъектларни Аллоҳнинг олий ҳукмронлигига топширади.

Ушбу иккала нуктаи назар ўргасидаги фарқнинг битта умумий жиҳати фалсафий изланишнинг моҳиятига тубдан таққосланмасликни келтириб чиқаради. Ғарбий дунёвий биоэтика мунтазам далил келтириш ва назария билан шуғулланади, аммо Исломий биоэтика вахий сифатида кўрсатилади. Шу билан бирга, шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳатто фарқ бўлса ҳам, биз мутлақ қарама-қаршиликдан кўра кўпроқ даражадаги масалалар ҳакида гапирамиз. Мусулмонларнинг ўzlари ўйлашлари ва ўzlаридан Куръонни қандай тушунганиклари ёки шарҳлаётганиклари ҳакида сўрашлари керак. Бундан ташқари, турли маданиятлар ва тараққиётлар сингари, истисно, рақобат ва низоларни ўзаро тушуниш орқали енгиб ўтиш мумкин.

## ЎНИНЧИ БОБ

### Якунловчи сўзлар

Биоэтикани тиббиётда қўллашда биз кўплаб келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилиш учун тиббий ахлоқ қоидаларига эҳтиёж борлигини билib оламиз. Деонтология биоэтика назарияси сифатида харакатларнинг асосий тўғрилиги ёки нотўғрилиги вазият ёки оқибатларга эмас, балки унинг ички табиатига боғлиқлигини қўллаб-қувватлади. Шундай қилиб, ГСУнинг қабул қилинишига келсак, Исломий биоэтика нафақат зинонинг олдини олиш ва насабни сақлаб қолиш учун, балки инсоннинг жинсий алоқаларида покликни сақлаш учун донор спермаси иштирокини таъкидлайди. Унга кўра, бола, ота-оналар ва кенг жамият учун якуний оқибатлар салбий бўлади. Бу ерда мумкин бўлган фойда ёки заардан қатъий назар, харакатнинг тўғрилигига эътибор қаратилади.

Консеквенциализм (натижага) ахлоқий эътиборни харакатнинг ўзи эмас, балки ҳаракатнинг оқибатлари ёки натижаларига қаратади. Ушбу қарашга кўра, хар қандай ҳаракат, унинг оқибатлари фойдали бўлган тақдирда, ахлоқан тўғри деб хисобланади. Бироқ, Исломий биоэтика оқибатлар ва унинг ёндашуви тўғрисида узок муддатли қарашларни қўллайди. Исломий биоэтика ГСУнинг бевосита фойдасини (яъни, туғилган чакалоқларни) хисобга олиш ўрнига, эр-хотин учун фойдали бўлган нарсаларга эътиборини қаратади, бунда барча иштирокчиларнинг фаровонлиги ва кенг жамият тарғиб қилинади. Демак, Исломий биоэтикани ўргатиш кенг нуктаи назардан мутаносиблик билан мос келади.

Ғарбий дунёвий биоэтика, худди шу каби оилавий алоқаларнинг заифлашиши, болалар учун психологик хавф, ота-оналар ва ҳаттоқи сперма дононлари ҳамда бошқалар билан боғлиқ. Аммо, Исломий биоэтика никоҳ ришталари тоза эканлигини, болалар учун психологик хавф туғдиришини, меросхўрлик муаммолари, жамиятдаги юзага келиши мумкин бўлган тартибсизлик – бу фарзандни туғилишидан ҳам қўпроқ зиён келтирадиган асоратлар эканлигини эслатади.

Инсоннинг эмбрионал илдиз ҳужайраларини тадқиқ қилиш масаласини муҳокама қилишда Ислом ва Ғарбнинг дунёвий биоэтикаси ҳам уни

фойдаси учун қабул қилганга ўхшайди. Суррогатликка келсак, Исломий биоэтика ички ва ташқи асосда аниқ ва таъқиқланган. Фарбнинг дунёвий биоэтикаси эса нисбийдир. Инсонларни клонлаш тўғрисида Фарбнинг дунёвий биоэтик нуқтаи назари клонлаштиришга ҳам қарши ҳам рози келгандай кўринади. Ислом биоэтиклари одамларни клонлашга қарши бўлиб, уни Аллоҳнинг йўлига зид равишда ғайритабиий насл бериш усули деб ўйлашади.

Фарбий дунёвий биоэтика томонидан ёрдамчи репродуктив тиббиётнинг Исломий биоэтикага алоқадорлигини ҳисобга олсак, фалсафалар уларни қандай қабул қилишига қараб тенглаштирилади аммо таққосланмайди. Ислом модели Фарб нуқтаи назарининг устунлиги ва унинг дунёвий утилитаризмидан ташқарига чиқиб, Ваҳий ва маънавий тушунишни устун қўядиган ҳаётий ва аниқ муқобилликни тақдим этади.

## **Муаллиф**

Шармин Ислом, Умумий таълим кафедрасида доцент.  
Шимолий Университет, Бангладеш.

## **Изоҳлар**

1. П. Д. Симмонс, туғилиш ва ўлим: қарор қабул қилишнинг биоэтик қоидалари (Филадельфия: Вестминстер Пресс, 1983), 157-б.
2. Е. С. Теоҳ, бепуштлик: тўғри ечимни топиш (Сингапур: Таймс Буокс Интернешнл, 1987), 15-б.
3. Ахлоқий фикрлашнинг моҳияти, Ж. Ладд, «Ахлоқнинг вазифаси», В.Т. Рейх (тахр.), Фалсафа энциклопедияси (НЙ: Фри Пресс, 1978), 1-боб, 400-7 б; ва ахлоқий фикрлаш усуллари Х. Броди, тиббиётдаги ахлоқий қарорлар (Бостон: Литтл, Браун & Компани, 1976), 5-27-б.
4. Т. А. Маппес ва Д. ДеГразиа, (тахр.), «Умумий кириш», Биомедикал этика, 5-нашр, (НЙ: McГроу-Хилл, 2001), 1-55-б.
5. В. Т. Рейх, «Кириш», Фалсафа энциклопедияси, 19-б.
6. Р. Де Фрис, “Қандай қилиб биз ёрдам бера оламиз? «Социология» дан «Биоэтика социологии»га томон, Қонун журнали, Медицина & Этика, 2004, 32-том, № 2, 279-92-б.
7. В. Франкена, Этика, 2 нашр, (Энгелвуд Клиффс, НЖ: Прентисе-Холл, 1973), 47-б.
8. С. М. Ал-Аттас, Ислом ва дунёвийлик (Куала Лумпур: Арт Принтинг Воркс Сdn. Бҳд. 1978), 14-б.
9. А. А. Маудуди, «Ҳаётда ислом тушунчаси» (2006), [Онлайн. Фойд.бер. 22-март, 2006-йил]. <http://www.islam101.com/sociology/conceptLife.htm>.
10. О. Ҳ. Касуле, «Асллик ва замонавийлик ўртасидаги тиббий хуқуқшунослик. Малайзия Ислом тиббиёт бирлашмасининг 5-илмий йигилиши материаллари», Пенанг, 28-29-май, 2004-йил.
11. Ҳ. Камали, Ислом хуқуқшунослиги асослари (Селангор Дарул Иҳсон: Пеландук нашрлари (М) Сdn Бҳд. 1989), 310-11-б.
12. Шу ерда, 313 -бет.
13. Шу ерда, 380-85-б.
14. А. А. Якоб, Тиббиёт фиқҳи (Лондон: Та-Ҳа Публишерс Лтд, 2001), 43-б.
15. И. А. Ҳон, «Фалсафадаги ислом тадқиқотлари: масалалар ва муаммолар», М. Муқим, (тахр.), Ислом нуқтаи назаридаги тадқиқот методологияси (Куала-Лумпур: Синержи Буок Интернешнл, 1999), 117-127-б.
16. Аноним, «Репродуктив технологиялар», С. Г. Пост, (тахр.), Талабалар учун

- Биоэтика:* Биз нима түгри эканлигини қандай биламиз? Тиббиёт, ҳайвонот масалалари. Ҳуқулар ва атроф-мухит (Нью-Йорк: Макмиллан, 1999), 1-боб, 177-99-б.
17. Р. Мунсон, «Репродуктив назорат: Сунъий уруғлантириш, ва суррогат ҳомиладорлик», Р. Мунсон, (такс.), Интервенция ва Кўзгу: Тиббий ахлоқнинг асосий масалалари, 5-нашр, (Стемфорд: Вадсворз, 1996), 489-551-б.
  18. Аноним, «Исломий нуқтаи назардан сунъий уруғлантириш», (2005), [Онлайн. Кириш 26 май 2005 йил].  
<http://islamonline.net/fatwa/english/FatwaDisplay.asp?hFatwaID=76500>.
  19. Юсуф ал-Қарадавий, Исломда ҳаром қилинган ва таъқиқланган нарсалар. К. Эл-Хелбави таржимаси, М. М. Сиддикий, С. Шукрий, (Куала-Лумпур: Ислам Буук Траст, 2001), 170-б.
  20. Р. Мунсон, 1996, 489-551-б.
  21. Аноним. ИКТ Қарори (2006), [Онлайн. Фойд.бер. 2006-йил, 15-октябрь].  
<http://www.islamibankbd.com/page/oicres.htm>.
  22. У ерда каранг.
  23. Мишал, А. А., «Клонлаш ва молекуляр биотехнологиянинг ютуклари: Ислом шариати кўрсатмалари», Ҳ.Е. Фадел, (такс.), ФИМА китоби, 2002. (Исломобод: Ислом тиббиёт бирлашмаси федерацияси. Медико Ислом тадқиқот кенгаши. (МИТК) Ислом халқаро тиббиёт коллекции билан ҳамкорликда, 2002), 33-47- б.



**Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари** – бу китобнинг асл мазмуни тўғрисида ўқувчиларга тушунча бериш учун мўлжалланган, қисқача шаклда ёзилган институтнинг муҳим нашридир.

**Ёрдамчи репродуктив тиббиёт этикаси** – сўнгги бир неча ўн ийлилклар ичидаги ривожланиб, генетик, илфор тиббиёт ва тиббий ахлоқ дунёсида озгина тушунилган, аммо жуда муҳим бўлган биоэтиканинг гарбий ва Исломий моделларини таққослайди. Тиббиётдаги ютуқлар ҳаётни ташкил этадиган тушунчамизни тобора ўзгартириб борар экан, келиб чиқадиган кўплаб муаммоларни, хусусан, генетика ва наслни кўпайтиришни ҳал қилиш учун тиббий ахлоқ қоидаларига эҳтиёжи бор. Бу жуда муҳимдир, чунки замонавий тиббиётдаги ўзгаришлар (тортишувларга асосланган ҳужайраларни тадқиқ қилиш, одамларни клонлаш ва оғир хасталарнинг ўлим ҳуқуқи) зарар келтириши мумкин бўлган амалиётлар соғлиқни саклаш сиёсати орқали амалда конунийлаштирилишига олиб келиши мумкин, чунки кенг жамоатчилик саҳна ортида бўлаётган баъзи кучли лоббичиликдан хабари йўқ бўлмоқда. Нима ахлоқий, ва нима ахлоқий эмас? Ким ва нимага асосланиб қарор қиласди?

Тиббиёт мутахассисларга қарши жиддий ахлоқий муаммолар мавжуд бўлиб, улар диний нуқтаи назарни талаб қиласди. Шунга қарамай дунёвий биоэтика инсон ҳаётини ташкил этадиган нарсани белгилайди ва дунёвий биоэтика айнан бизни ташвишга соладиган ва жиддий ижтимоий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган масалаларда сиёсатга таъсир қиласди. Аёлнинг синглиси учун суррогат вазифасини бажариши тўғрими? Ёки фарзандсиз эр-хотин донор томонидан сунъий уруғлантиришга мурожаат қилиши керакми? Ислом бунга қандай кўз қарашда? Инсонни клонлаш, суррогация ва ЭКУ – бу энг қизғин баҳсли мавзулардан бири. Бу китобда муаллиф буларни чукур таҳлил қиласди.

Ушбу асар Исломий нуқтаи назардан (Қуръон ва суннатдан олинган) дунёвий ва унинг турли хил фалсафий асослари устунлигидан ташқарига чиқадиган, Ваҳий ва маънавий тушунишни устун қўядиган ҳаётий ва аниқ муқобилликни тақдим этади. Шундай қилиб, тамойилларга риоя қилган ҳолда, у «энг яхшиси» ни танлашни қийинлаштирадиган чалкаш фикрлар доирасидан чиқиб кетади. Шунингдек, у инсон танасини рух ва онг эмас, балки тўқима, орган ва миядан бошқа нарса деб билмайдиган дунёвий тушунчага қарши чиқади.